


Тасдиқлайман
Учтепа туман мактабгача таълим
бўлими "Харид комиссияси" раиси
Н.Х.Хантураева



Учтепа тумани Мактабгача таълим бўлими
тассаруфидаги мактабгача таълим ташкилотларидаги
иссиқлик энергияси ҳисоблагичларига техник хизмат
кўрсатиш бўйича энг яхши таклифни танлашни эълон
қилади.

Хизмат номи: Мактабгача таълим бўлими тассаруфидаги мактабгача таълим ташкилотларидаги иссиқлик энергияси ҳисоблагичларига техник хизмат кўрсатиш.

Танлашни ўтказиш шакли: Электрон шаклда

Шартноманинг бошланғич баҳоси: 237 522 215,52 (икки юз ўттиз етти миллион беш юз йигирма икки минг икки юз ўн беш сўм 52 тийин)

Танлаш ҳужжатларини қабул қиладиган ва танлаш ўтказиладиган манзил:
<https://etender.uzex.uz>

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга амал қилган ҳолда танловда иштирок этишлари мумкин:

- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги; шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгаллиги тўғрисида давлат тилида ташкилотнинг расмий бланкасида тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши лозим. Иштирокчининг қафолат хатини тақдим этмаслиги ёки талаблар асосида тўлиқ тақдим этмаслиги минимал балл билан баҳоланади;
- банк кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги ва 2021-2022 йиллар ҳисоб рақамидаги айланма маблағлари миқдори ва таклифларни қабул қилиш даврида ҳисоб рақамида мавжуд маблағлар тўғрисида БАНК маълумотномаси илова қилиниши лозим. Бажариладиган ишлар қийматидан ортиқ маблағга эга бўлган иштирокчиларга баҳолашда устунлик берилади. Маълумот тақдим этмаган иштирокчи танлашдан четлаштирилади;
- ташкилотнинг расмий бланкасида давлат тилида тасдиқланган ҳолда коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этилиши шарт. Ариза тақдим этмаган ёки коррупция кўринишларига йўл қўймаслик маъносини англатмайдиган бошқа ариза тақдим этган иштирокчи танлашдан четлаштирилади;
- 2021-2022 йиллар мобайнида иссиқлик энергияси ҳисоблагичларига техник хизмат кўрсатиш бўйича бажарган ишлари рўйхати, мазкур ишлар бўйича имзоланган шартномалар нусхаси электрон шаклда тақдим этилиши лозим. Мазкур эълонда кўрсатилган ишлар билан бир хил турдаги ишларни тузилган шартнома шартларига асосан бажарган иштирокчиларга баҳолашда устунлик берилади. Иштирокчи томонидан маълумот тақдим этилмаслиги ёки мазкур талаб асосида тақдим этилмаслиги минимал балл билан баҳоланади;
- тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси электрон шакли; банк реквизитлари, юридик ва почта манзили, таъсисчи ва бенефициар тўғрисида давлат тилида ташкилотнинг расмий бланкасида тасдиқланган

- маълумотлар (таъсисчи ва бенефициарнинг СТИР, паспорт ёки ID-карта нусхаси электрон шаклда, телефон рақами), Мазкур маълумотлар ёки маълумотга иловалар тўлиқ тақдим этилмаслиги минимал балл билан баҳоланади. Маълумотларнинг нотўғри тақдим этилганлиги аниқланса иштирокчи танлашдан четлаштирилади;
- солиқ органларининг электрон давлат хизматлари порталидан олинган ЭРИ билан тасдиқланган маълумотнома тақдим этилиши лозим. Иштирокчи томонидан маълумотнома тақдим этилмаслиги ёки мазкур талаб асосида тақдим этилмаслиги минимал балл билан баҳоланади. Муддати ўтган қарздорлиги мавжуд ёки маълумотномани нотўғри тақдим этган иштирокчи танлашдан четлаштирилади;
 - танлов иштирокчиси шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, базаси борлиги ҳақида ташкилотга тегишлилиги ҳақида маълумот нусхаси, 3 тадан ортиқ бўлиши керак (лаборатория жихозлари) Иштирокчининг маълумот тақдим этмаслиги минимал балл баҳоланади, агар тақдим этмаса танлашдан четлаштирилади;
 - ягона миллий меҳнат тизими базасидан олинган 5 нафардан кам бўлмаган иссиқлик энергияси ҳисоблагичларига техник хизмат кўрсатиш йўналишидаги меҳнат стажи 3 йилдан кам бўлмаган, квалификацияланган мутахассислар тўғрисида маълумотлар тақдим этилиши лозим (электрон меҳнат дафтарчаси нусхаси ва бошқа хужжатлар). Иштирокчи мазкур талаб асосида маълумот тақдим этилмаслиги минимал балл билан баҳоланади. Маълумот тақдим этмаган иштирокчи танлашдан четлаштирилади;
 - танлаш иштирокчиларининг таклиф қилган корхонасининг энг камида 3 йиллик тажрибага эга булишлилиги. Иштирокчининг тажрибага эга бўлмаслиги минимал балл билан баҳоланади;
 - метеорологик ва сервис хизмат кўрсатиш учун, ҳисоблагич ишлаб чиқарувчининг сертификати мавжудлиги;
 - кафолат мудатти давомида ҳар ойда ҳисоблагичларни текшириш, қурилманинг ишлашидаги носозликларини аниқлаш ва бартараф этиш, ҳисоблагичлардан архив маълумотларни олиш, олинган маълумотларни қайта ишлаш ва босма шаклда иссиқликни ҳисобга олиш варақасини ташкилотнинг махсус вакилига (ҳар бир ДМТТ хўжалик ишлари мудири) бериш

Танлов иштирокчиларига танлаш бўйича харид қилиш қоидаларига доир тушунтириш юзасидан иштирокчилар билан алоқада бўладиган шахс: Учтепа тумани МТБ Эксплуатация хизмати бошлиғи – М.Ғаниев, тел: 90 902-64-63.

Таклифларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана: Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 5 календар куни давомийлигида белгиланган вақтга қадар.

Буюртмачининг юридик манзили: Тошкент шаҳар Учтепа тумани Фарход 21 уй.

Танлов хужжатларини расмийлаштириш талаби:

- Танлов иштирокчиси факат битта таклиф беришга ҳақли;
- Танлов хужжатларида тузатишларга (матн, сўз ва рақамларни бўяш) йул қўйилмайди. Агарда хужжатларда тузатишлар аниқланса ушбу танлаш хужжати комиссия томонидан четлантирилади;
- Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлов иштирокчиларига қўйидаги ишларга қўйиладиган талаблар

Кафолат мудатти давомида ҳар ойда ҳисоблагичларни текшириш, қурилманинг ишлашидаги носозликларини аниқлаш ва бартараф этиш,

хисоблагичлардан архив маълумотларни олиш, олинган маълумотларни қайта ишлаш ва босма шаклда иссиқликни ҳисобга олиш варақасини ташкилотнинг махсус вакилига (ҳар бир ДМТТ хўжалик ишлари мудирини) бериш.

Юқоридаги ишларни меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлиги бўйича ўқитилган ва электор хавфсизлиги бўйича малака гуруҳида тегишли лавозимга эга бўлган ходимлар томонидан амалга оширилиши керак.

Зарур бўлганда, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни иш жараёнида тадбиқ қилиш.

”Пудратчи” иш вақтини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек меҳнат муҳофазаси, ёнғин хавфсизлиги ва техник хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя этишни таъминлаш.

Мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари ва тарбияланувчиларига халал бермасдан ўз вазифаларини бажариш.

**Учтепа тумани МТБ эксплуатация
хизмат болиғи**

М.Ғаниев

Учтепа тумани МТБ ДХШБМ

А.Махмудов